

Қазо рўза

08:10 / 27.05.2020 1649

Ассалому алайкум! Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: “Энг яхши рўза биродарим Довуд алайҳиссаломнинг рўзалари эди. У киши кун оралатиб рўза тутар эдилар” деб марҳамат қилган эканлар. Шу ҳадисга мувофиқ биз ҳам кун ора рўза тутмоқчи бўлсак шу рамазон рўзасида қилинган дуо билан оғиз очиб, ёпаверамизми? Қазо рўзаларимизни шундай кун ора тутиб адо этсак бўладими? Қандай ният қилинади?

«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Рўзанинг дуоси йўқ. Қазо деб ният қилсангиз бўлди. Валлоҳу аълам!